

пашшаси (*Clytiomyia helluo* F.), галлиц афидимиза (*Aphidoletes aphidimyza* Rand.), бешиктерватар (*Manteis religiosa* L.) турларининг учраганлиги, зараркундаларга қарши кимёвий препаратларни қўллашда ушбу тур таркиби ва ривожланиш биологиясидаги жараёнларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Мазкур беда далаларида тарқалиб ўсимликларга зарар келтирадиган зараркундалар турларини аниқлаш бўйича кузатувлар олиб борилиб, баҳорда биотопда пайдо бўладиган зараркундалар турлари ҳисобга олиб борилди. Кузатув натижасида апрел ойида беда далаларида шира ва қандада турлари пайдо бўлиб, сони кўпайиши аниқланди. Бунга қўшимча май ойида тунлам турларининг қуртлари ҳисобга олиниб, беда барглари, поя ва шохлари билан озиқланганлиги ҳисобга олинди.

Зараркундалардан фитонормус етук зоти май ойида фаол ривожланиб тухум қўйганлиги ҳисобга олинди ва қуртлари май ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб очиқ озиқланишни бошлади. Май ойининг учинчи ўн кунлигида беда даласидаги 100 та ўсимликда ўртача 19,8-27,3 дона қуртлари учраган далада ривожланадиган бошқа зараркундалар турлари ҳисобга олинди. Натижада ушбу намуналарда ўртача 8,1-11,2 дона беда қандадаси, 2,6-4,3 дала қандадаси, 3,2-6,5 майса филчаси турлари ривожланаётгани аниқланди. Бундан ташқари даланинг 1 м² майдонида 0,2-0,4 дона кемирувчи тунлам қуртлари учради.

Далада ривожланаётган ушбу зараркундаларга қарши гектарига 300 литр сув сарфида тракторларга осилган пуркагичлар ёрдамида ишлов берилди.

Беда даласида тарқалган фитонормус қуртларига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси 1-жадвалда берилган.

Натижада беда даласида ишлатилган кимёвий препаратларнинг турлари ва меъёри 3 кун давомида 74,5-87,3%

фитонормус қурти сони камайишига таъсир қилганлиги қайд этилди. Препаратларнинг биологик самарадорлиги ишлатилгандан кейинги 7-кун 92,9-96,1% ни ташкил этган бўлса, 14-кун 97,5-98,8% зараркундалар нобуд бўлганлиги кузатилди. Мазкур далада келгуси кунлари фитонормус қурти сони кўпайганлиги қайд этилмай, олиб борилган тадбир зараркундалар сонини минимал даражага камайтириб, ҳосил тўла ҳимоя қилиб қолинди.

Бундан ташқари кимёвий препаратлар билан ишлов берилган далада ривожланаётган қандада, кемирувчи тунлам қуртлари ва ширалар сони тўла бартараф этилганлиги ҳисобга олинди. Кимёвий препаратлар ишлатилган далада мазкур зараркундалар сони камайиб, вегетация даври охиригача препаратлар билан ишлов бериш талаб этилмаганлиги, ишнинг биологик самарадорлигидан ташқари ҳўжалик-иқтисодий жиҳатдан фойда келтиришини исботлайди. Чунки, кимёвий препаратлар билан ишлов берилмаган назорат даласида фитонормусдан ташқари бошқа зараркундалар сони кўпайиб, ўсимликнинг барглари билан озиқланиши туфайли беда ҳосили миқдори ва сифатига салбий таъсир этганлиги ҳисобга олинди. Беда уруғи вақтида шаклланмаганлиги туфайли ҳосил камайишига олиб келди.

Хулоса: Қорақалпоғистон шаротида экилаётган беда далаларида ихтисослашган зараркундалардан ташқари кўпгина турлар пайдо бўлиб ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига ва ҳосил тўплашига салбий таъсир этиши ҳисобга олинди. Беда зараркундаларидан фитонормус қуртлари баргларида очиқ озиқланишга чиққан май ойининг иккинчи ўн кунлигида кимёвий препаратлар билан ишлов бериш тавсия этилади. Натижада зараркундаларнинг далада ривожланаётган асосий турларининг сони 97,5-98,8% камайиб, ҳосил тўла ҳимоя қилиб қолинади. Кимёвий препаратларнинг мақбул меъёри ва вақти ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаева Д.Р. Ўзбекистон беда агробиоценози энтомокомплексларининг таркиби ва уларнинг фойдали турларини муҳофаза қилиш. Автореф. Дисс. –Тошкент, 2008. -19 б.
2. Доспехов Б.Д. Методика полевого опыта (4-ое изд.). –Москва: «Колос», 1986. –С. 25-340.
3. Хамраев А.Ш., Абдуллаева Д.Р. Беда агробиоценози фитофаглари. Ўзбекистон биология журнали. –Тошкент, 2005. -№4. -Б. 57-61.
4. Хўжаев Ш.Т. ва б. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссияси. –Тошкент, 2004. -Б. 56-94.
5. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркундалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. –Тошкент: «Навруз», 2015. –Б. 10-86.

УЎТ: 581.6/552:9 (575.15)

ТАДҚИҚОТ САМАРАСИ

ДЕҲҚОНОБОД ЯЙЛОВЛАРИНИНГ ГЕОБОТАНИК БАҲОСИ

Норқулов Мусурмон Норбойивич,
“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ 3-босқич мустақил изланувчиси.

Аннотация. Ушбу мақолада Деҳқонобод туманида «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан 2020 йилда амалга оширилган геоботаник тадқиқотлар натижалари тавсифланган. Бунда асосий эътибор, мазкур туманининг табиий яйлов ва пичанзорлари майдони, ўсимлик дунёси, яйловларнинг ҳолати, хилма-хиллиги, сифати, тарқалиш зичлиги ҳамда ем-хашак ўсимликларининг ҳосилдорлик даражаларини мавсумлар

бўйича ҳисоблаб чиқилган, шунингдек аввалги йилларда бажарилган тадқиқотлар натижалари билан ҳам қиёсий таққосланган.

Abstract. This article highlights the results of geobotanical survey conducted in 2020 by the State Scientific and Design Institute «Uzdavyerloyikha» in the Dekhkanabad district of Kashkadarya region. The main attention is paid to the area of natural pastures and hayfields of the region, its flora, pasture condition, diversity, quality, distribution density and productivity of fodder crops by seasons, and made comparative analysis of previous studies results.

Кириш. Яйлов ўсимлик дунёси ҳолатини ўрганиш, деградацияга учраган майдонлар улуши, ўсимлик билан қопланганлиги, яйловларнинг сув билан таъминланганлик (қудуқлар ва бошқа манбалар) даражаси, чорва молларининг меъёридан ортиқ боқишнинг яйловларга салбий таъсири, уларни боқиш муддати ва меъёрларини дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллашган асосда ишлаб чиқиш ва қатъий бошқаришни йўлга қўйиш, камайиб бораётган озуқабоп ва доривор яйлов ўсимликлар уруғчилигини ривожлантириш, шу мақсадларни кўзлаган ҳолда стратегик менежмент тадбирларини илмий ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

2019 йил 20 майдаги «Яйловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни [1], Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги «Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳам яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотлар ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 299-сонли [2] қарорига кўра республикамізда яйлов ва пичанзорларини инвентаризация ўтказиш ҳамда геоботаник тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз тоғ, тоғолди ва чўл яйловларида сўнгги 40 йилда яйловда деградация жараёнлари кучайган, яйлов ўсимликлари тури ва ҳосилдорлиги камайган, 1 та шартли мол боши сонига тўғри келадиган майдон улуши ўртача 6,1 гектарга кўпайганлиги аниқланган, геоботаник баҳосига кўра тадқиқотлар олиб борилган тоғ ва тоғолди-яйловлари «ўрта», чўл-яйловлари эса «паст» даражада эканлиги исботланган [М.Рузметов, 2021; 69-б.].

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқот объекти Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ҳудудларининг яйлов ўсимликлари ҳисобланади. Геоботаник изланишлар ушбу соҳада кенг қўлланилиб келинаётган услублар [4, 5, 6, 8] асосида амалга оширилган. Тоғ ва тоғ олди ҳудудлар яйловларининг ўсимликлар билан қопланганлик даражаси бўйича ArcGIS дастуридан фойдаланилган ҳолда 1:25 000 масштабдаги электрон рақамли хариталар тузилган.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Олиб борилган тадқиқотларда мавжуд яйловларнинг бугунги кундаги хусусиятлари ва ҳолати аниқланди ҳамда чорва молларининг сув билан таъминланиши ўрганиб чиқилди. Тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда яйловлар ҳосилдорлигини ҳисоблаш, ноозуқабоп ўсимликлар кўпайиб кетишининг олдини олиш, яйловларга чорва молларини нооқилона боқиш ва озуқабоп ўсимликларни эътиборсиз териш ҳамда шулар орқали келиб чиқадиган тупроқ юзасининг зичланиши ва эрозияга учраши каби ҳолатлар ўрганилди.

Дастлабки тадқиқотлар дала ишларини бажариш давомида ҳудуддаги яйлов ўсимликларининг турлари, хиллари, нобоп ерлар, топталган ерлар, ўсимлик ўсмайдиган қоялар аниқланиб, қишлоқ хўжалик харитасига туширилди. Тадқиқотларда ҳудуднинг табиий-метрологик шароитлари, яъни яйлов тупроқлари, рельефи, сув билан таъминланганлик (булоқлар ва бошқа манбалар) даражалари ўрганилди.

Шунингдек, яйлов хилларининг ҳар бири тўлиқ ёритилди ва ҳар қайси яйлов ўсимлик турларида ҳосилдорлик даражасини аниқлаш учун турларнинг сони ва сифати ҳисобга олинди. Кам учрайдиган ва ноёб ўсимликлардан ҳам гербарий намуналари олинди. Бундан ташқари, яйловларнинг маданий-техник ҳолати ҳам ўрганиб чиқилди ва хариталарга туширилди.

Туманда тарқалган озуқабоп ем-хашак ўсимликлар ва уларнинг ўсиш шароити ҳамда флористик таркиби асосида жами 5 та яйлов гуруҳи, 14 та яйлов типи ва 27 та яйлов турларига ажратилди.

Аҳоли яшаш ҳудудлари ва чорва молларини сақлайдиган жойларга яқин бўлган яйловларда чорва моллари йилнинг барча мавсумларида меъёридан ортиқ боқилганлиги сабабли ўсимликлар қоплами бирмунча сийраклашган ҳамда чорва моллари меъёридан ортиқ боқилиши натижасида ўсимликлар репродуктив фазасидан олдин еб йўқотилиши сабабли, ушбу ҳолат ўсимликларнинг авлод давомийлигига жиддий салбий таъсир кўрсатган. Туман ҳудудларидаги мавжуд яйловларнинг инсонлар ва чорва моллари таъсирида жами 63 546 гектари ёки 29,2 фоизи турли даражада деградацияга учраганлиги аниқланди.

Яйловлар ҳосилдорлигининг пасайиши, озуқа сифатининг ёмонлашуви, улардан узлуксиз фойдаланиш натижасида ўсимлик қопламининг бузилиши, биологик хилма-хилликнинг камбағаллашуви кузатилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яйловлар ўсимлик қопламидаги турлар сони ҳозирги кунда кескин камайган. Бунинг исботи сифатида Деҳқонобод туманида 1987 йилда ўтказилган геоботаник тадқиқотларда 78 та яйлов ўсимлик тури қайд қилинган. 2020 йилга келиб туман ҳудудида 65 та ўсимлик турлари қайд қилиниб, 13 та ўсимликлар тури учрамади.

1987 йилда ўтказилган геоботаник тадқиқотларда туманнинг озуқабоп яйлов ўсимликларининг қуруқ масса ҳисобидаги ҳосилдорлиги гектарига 3,8 ц/га, озуқа бирлиги эса 2,2 ц/га ни ташкил этган, 2020 йил яйлов ўсимликлари ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2,9 центнерни (-0,9 ц/га), озуқа бирлиги ўртача 1,6 ц/га (-0,6 ц/га) ташкил этиб, камайганлиги аниқланди.

Тадқиқотларда туман ҳудудларида ноозуқабоп турларнинг кўпайиши ҳисобига озуқабоп ўсимлик турларининг камайганлиги қайд қилинди. Чорва моллари емайдиган ўсимликлар улуши тегишли равишда 10-14% дан 18-24% (ўртача 22%) гача кўпайганлиги аниқланди.

Олинган маълумотлар асосида ўсимликлар дунёсини ўрганиш ва ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри бўйича геоахборот тизимини шакллантириш мақсадида 1:25 000 масштабда электрон рақамли яйлов хариталари тузилди ва ишлаб чиқариш амалиётида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Хайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги

914-қарори ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига

ва вилоят, туман маҳаллий ҳокимият органларига тақдим этилди.

Юқорида таъкидланганидек, олиб борилган тадқиқотлар асосида ўрганилган ҳудудлар учун геоботаник яйлов хари-таларини ишлаб чиқиш, деградацияга учраган ҳудудларни аниқлаш, яйловларда амалий босимни камайтириш мақсадида, ўрганилган Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ҳудудларида маҳаллий аҳоли учун яйловлардан самарали интеграциялашган тарзда фойдаланиш режасини тайёрлаш ҳамда чорва молларини боқишнинг биохилма-хиллиқни сақловчи усуллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди [3, 4].

Яйловларни қайта тиклаш бўйича таклиф ва тавсиялар:

- инкирозга учраган яйловларни қайта тиклаш мақсадида озуқабоп ўсимликларнинг бирламчи уруғчилик майдонларини ташкил этиш;

- яйловларда тартибли интеграциялашган алмашлаб боқиш тизимини жорий қилиш;

- деградацияга учраган майдонлардаги ўсимликлар хилма-хиллигини кўпайтириш, бу борада ўтлоқларда кам истеъмол қилинадиган ўтларни озуқа жиҳатидан қимматлироқ бўлган (эспарцет, астрагал, изень, терескен, шувок) ўсимликлар билан алмаштириш тадбирларини жорий этиш;

- фермер хўжаликлари ва бошқа яйловдан фойдаланув-чилар томонидан маълум ҳудудларни сим тўсиқлар билан ўраш, шу орқали қишлоқ учун заҳира сифатида пичанзорлар яратиш ижобий самара беради.

Ўз навбатида мазкур тадбирларнинг мажмуавий амалга оширилиши натижасида ҳозирги кунда интенсив фойдалани-лаётган яйловларда қимматли озуқавий ўсимликлар турлари кўпайишига эришилади, пировардида яйлов ўсимликлари маҳсулдорлиги 8-10 ц/гача ошади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Яйловлар тўғрисида»ги қонуни. 2020 йил 21 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги «Маъмурий-ҳудудий бирликлар чега-раларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳам яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотлар ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 299-сон қарори.
3. Давронов О.Ў., Норкулов М.Н., Ғаниев О.А. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани яйлов ва пичанзорларнинг ҳозирги ҳолати // «O'zbekiston zamini» ilmiy-amaliy va innovatsion jurnal. - Тошкент, 2019. - №2. - В. 17-18.
4. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманининг яйлов ва пичанзорларини геоботаник тадқиқотлар тавсифномаси / Тузувчилар: М.Норкулов, Б.Ибрагимов, Т.Жўраев - Тошкент: «Ўздаверлойд» ДИЛИ, 2020. - 86 б.
5. Методические указания по геоботаническому обследованию естественных кормовых угодий Узбекистана / Отв. руковод. А.И.Гранитов главный геоботаник отдела пастбищ института по землеустройству «Узгипрозем». - Ташкент, 1980. - 170 с.
6. Общесоюзной инструкции по проведению геоботанических обследований природных кормовых угодий и составле-нию крупномасштабных геоботанических карт. - Москва: Изд-во «Колос», 1984. -105 с.
7. Рузметов М.И Яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари: Қ.х.ф.д. ... дисс. автореферати. - Тошкент, 2021. - 69 б.
8. Рузметов М.И., Тўраев Р.А. Ўзбекистоннинг табиий яйлов ва пичанзорларида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланма. - Тошкент, 2018. - 160 б.

ЎЎТ: 631.4.

ТАДҚИҚОТ САМАРАСИ

СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИ

Намозов Нормамат Чориевич,
доцент, қ.х.ф.ф.д.(PhD),
Хасанов Сардор Фахритдинович,
таянч докторанти,
Гулимов Қувондиқ Хамзаевич,
2-босқич магистранти,
ТошДАУ Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси.

Аннотация. Мақолада сугориладиган типик бўз тупроқларнинг агрофизикавий хоссалари, турлича ишлов бериш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқнинг ҳажм ва солиштирма оғирлиги ва умумий ғовақлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: типик бўз тупроқ, ҳажм оғирлиги, солиштирма оғирлиги, ғовақлиги.

Аннотация. В статье описаны агрофизические свойства типичных орошаемых сероземов для повышения плодородия почвы за счет различной обработки почвы, общие физические свойства почвы, т. е. объем и удельный вес почвы и общая пористость, а также результаты, полученные до полевого опыта.

Ключевые слова: типичный серозем, объемный вес, удельный вес, пористость.